(Давоми. Боши 1-бетда).

## Мустақиллик солномасига чизгилар

# МАЪНАВИЯТ — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

**Самарқандга — Буюк ипак йўлида жойлашган бу афсонавий ўзбек шаҳрига ташриф буюриб эса, сиз ўзингизни тамомила бошқа сайёрага тушиб қолгандай ҳис этасиз. Бу ерда хотин-қизлар ғоятда очиқ, мафтункор табассумлари ва кийимларининг камалакранг жилолари билан ҳар қандай хорижликни ўзига аср этади. Суратга туширар эканмиз, уларнинг самимий меҳмондўстликлари ва очиқ кўнгилликлари бутун жозибаси ила кўзга ташланади.**

**Ана шундай икки дунё қиёсланганда, Ўзбекистоннинг ривожланган маданий давлат эканлиги яққол аён бўлади» (1998 йил, 28 май).**

Мустақил ривожланишимизнинг ўтган деярли саккиз йиллик даврида Ўзбекистон маънавий ривожланиш соҳасида ўзига хос бир неча сермазмун босқични бошидан кечирди.

Бу босқичларнинг ўзига хослиги нималарда кўринади?

Аввало, халқни маънавий ривожлантиришнинг биринчи, ҳал қилувчи босқичини **миллий тикланиш, миллий ўзликни англаш даври**, деб аташ моҳиятан тўғри бўлади. Истиқлолнинг ўтган йилларида бу жараённинг фундаментал асосларига эришилди. Яъни, қисқа даврда ўзбек халқи собиқ тузумнинг заҳарли, зўравон мафкураси таъсирида йўқотган энг ноёб бойлиги — **тарихий-маънавий хотирасини** деярли тўла қайта тиклашга муваффақ бўлди.

Масалан, узоқ йиллар мобайнида соҳибқирон Амир Темур бобомиз эски мафкуравий тадқиқотларда «ёвуз шахс, қонхўр фотиҳ, шафқатсиз саркарда» тарзида талқин этиб келинди. Бугун эса халқимиз ва унинг янги авлодлари Амир Темурни Туронзамин салоҳиятини дунёга кўрсата олган, шу билан бирга умуминсоният тақдирида буюк бурилишлар ясаган қудратли шахс сифатида равшан тасаввур этдилар.

Амир Темур сиймоси ва барча темурийзодаларнинг миллий тарихимиздаги салмоқли ўрнини тушуниб етишимизда Президентимизнинг шахсий жасорати ва тарихимизга донишмандона муносабати алоҳида салмоқ касб этди.

Мустақиллик даврида Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Аз-Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби буюк сиймоларнинг мероси ва тарих олдидаги хизматлари қайтадан тикланиб, маънавиятимизга инъом этилди. Имом Бухорийнинг забунликдаги қабрини замонлар чангидан тозалаб, бу ерда улкан зиёратгоҳ барпо этилди. Мустақиллик маънавий-диний эътиқодларимизга кенг йўл очди. Қадимий Наврўз яна умумхалқ шодиёналарига сабаб бўлмоқда. Рўза ва Қурбон ҳайитлари миллий байрамларга айланди. Мустақиллик Бухоро, Хива, Қўқон каби шаҳарларимизнинг халқаро миқёсдаги салмоғини янада юқорига кўтарди.

Тарихий-маънавий хотирани тиклаш давом этмоқда. Демак, миллий ўзликни англаш жараёни ҳам ўзига янги уфқлар очмоқда.

Миллий тикланишнинг муҳим белгиларидан бири — **миллий тилимизнинг давлат тили мақомига эришишидир**. Тилимизнинг бундай юксак мақоми мустақил Ўзбекистоннинг Конституциясида қонунлаштирилди, Президентимиз Фармони ва ҳукумат қарорлари билан мустаҳкамланди. Ўзбек тилининг давлат тилига айланиши шунчаки маънавий ютуқ бўлиб қолмай, унинг улкан мафкуравий вазифа эканлиги ҳам бугун аён бўлмоқда. Шаҳарлар, туманлар, хўжаликлар, корхоналар, кўчалар, мактаблар эски мафкуравий қарашлар билан боғлиқ ғайритабиий топонимик номларга эга эди. Бугун улар асл, миллий мустақилликнинг янги дунёқараши билан боғлиқ равишда тамомила янги номлар билан аталмоқда. Бугун илмий ишлар ўзбек тилида ҳимоя қилинмоқда. Иш қоғозлари ўзбек тилида тўлдирилмоқда, мажлислар ўзбек тилида ўтмоқда. Хуллас, тилимизнинг мавқеи мустақиллик туфайли ҳар жиҳатдан ўз қаддини тиклаб, равнақ топмоқда.

Миллий маънавий тикланишни **миллий маънавиятни соғломлаштириш** деб аталган улкан янгиланиш жараёнининг муҳим бир жиҳати деб баҳоласак бўлади. Аммо унинг иккинчи, ҳозирги кунда ҳам мураккаб жараёнларни бошидан кечираётган яна бир муаммоси бор. Бу собиқ мустабид, маъмурий буйруқбозлик тузумидан одамлар онгида, руҳиятида сақланиб қолган «мерос»дир. Бу асоратлар ҳаётга, меҳнатга, тараққиётга эскича, қотиб қолган муносабатларда ўзини намоён этмоқда. Масалан, Президентимиз бир қатор маърузалар ва суҳбатларда раҳбарликнинг моҳияти бугун тубдан ўзгарганлигини, яъни раҳбарлар ўзини янги демократик ҳаёт қурилишининг намояндаси, халқ хизматкори сифатида кўрсатишлари зарурлигини қатъий қўймоқдалар. Сабаб шуки, давлат ва халқ ишониб юксак лавозимларга сайлаб қўйилган айрим раҳбарлар элга бошчилик қилишни ҳамон эски, маъмурий буйруқбозлик замонидан қолган тўрачилик андозаларида тушунмоқдалар. Худди шундай эскича қарашлари, иш тутуми билан улар давлат ва жамиятнинг янгича ривожланишига тўғаноққа айланиб қолмоқда. Бундай раҳбарларнинг айримлари шундай эски, маънавий-догматик ақидалари ва шунинг оқибатида йўл қўйган жиддий нуқсонлари учун лавозимларидан четлатилди. Бу — ҳозирги ҳаётнинг, тараққиётнинг талаби эди.

Ёки эски давр одамлар онгида шакллантирган боқимандалик, мулкчиликнинг янги шаклларига, масалан, хусусий мулкка, акциядорликка, фермерликка, меҳнатдаги шахсий ташаббускорлик ва тадбиркорликка хушламай муносабатда бўлиш, ўз шахсий манфаатини давлат, жамият манфаатларидан устун қўйиш, ижтимоий лоқайдлик каби бир қатор маънавий-руҳий иллатлар ҳам яшаб келаяптики, улар янги тараққиётнинг йўлини сезиларли мураккаблаштирмоқда. Булар — миллий маънавиятни соғломлаштиришнинг жиддий муаммоларидан бўлиб турибди.

Табиийки, тараққиёт — муқаррар жараён. Тараққиётнинг муқаррар, ҳаққоний йўли эскиликни барибир инкор этади. Жумладан, биз юқорида санаган маънавий муаммоларни ўз шахсиятида мужассамлантирган кимсалар ҳам ўз йўллари ва дунёқарашларининг бугун ўтмай қолаётганлигини яққол кўриб турибди. Улар ижтимоий ҳаётнинг янги тамойилларига қараб ўз ички дунёси ва турмуш тарзини ўзгартиришга уринмоқдалар. Аммо бу осонликча юз берадиган ҳодиса эмас.

Шу сабабли Президентимиз тараққиётнинг янги мақсади ва манфаатларига мос, янги кадрлар авлодини тарбиялаб етиштириш масаласини давлат ва жамият олдига муҳим вазифа сифатида қўймоқда. Шу мақсадда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Ҳозирги кунда давримизнинг бу муҳим ҳужжатида белгиланган йўналишлар асосида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Таълим тубдан ўзгараяпти. Ҳозирги таълим-тарбия тизими илғор замонавий, халқаро андозалар даражасидаги кадрларни етиштиришга йўналтирилмоқда. Бундай кадрларнинг ижтимоий-маънавий қиёфасига хос муҳим янгилик шундаки, улар бир вақтлардагидай фақат ўз касбини, ҳунарини яхши эгаллаган мутахассисгина бўлиб қолмай, айни пайтда юксак замонавий маданиятли, дунёқарашли, Ватан ва халқ ишига фидойи, озод, мустақил фикрли шахслар бўлмоғи керак. Яъни **шунчаки кадрлар эмас, балки баркамол маънавий дунёли мутахассис кадрлар** етиштириш — давр талабидир. Кадрларни тарбиялашдаги бу янги талаб бошланғич таълим, мактаб, лицей, коллежлардан тортиб олий ўқув юртларигача — таълимнинг барча тизими олдида турибди. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан замонавий кадрларни тарбиялаб етиштириш учун ёшлар хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларига таълим олиш учун жўнатилмоқда. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли жабҳаларидаги мутахассислар, тадбиркорлар эса тажриба ўрганиш учун илғор хорижий давлатларга бориб келишаяпти. Узоқ ва яқин ўтмишда халқимизнинг не-не илғор намояндалари орзу қилган бундай имкониятлар истиқлол туфайли рўёбга чиқди.

Маънавий омил ривожланишининг муҳим масалаларидан бири халқнинг **ўз миллий ғоясига эга бўлиши, янги мафкуранинг шаклланиши** билан узвий боғлиқдир. Мамнун бўлиб айтишимиз керакки, бугун биз ўз мустақиллик мафкурамиз асосларига эгамиз. Бу асослар Президентимиз асарларида ўз ифодасини топган. Мустақилликни — буюк неъмат деб тушуниш, Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун кураш, республикамизнинг кўп миллатли аҳолиси қалбидан ўрин олган «Шу азиз Ватан — ҳаммамизники» деган эътиқод, мустақил ривожланиш йўли ва ғояларига халқимизнинг ортиб бораётган садоқати ва ишончи — булар янги тарихий шароит одамлар онгида шакллантирган миллий ғояларнинг айрим кўринишларидир. Биз халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, жамиятни улуғ мақсадлар йўлида бирлаштирадиган миллий ғояларимиз оламини янада ривожлантириб боришимиз керак. Миллий ғоя, айниқса, ёшлар маънавиятининг такомилида муҳим роль ўйнайди. Тошкентда бўлиб ўтган машъум 16 февраль воқеалари, ёшлар ўртасида диний экстремизм ва фанатизмга чалғиб кетиш ҳолатларининг учраётганлиги миллий мафкурани ривожлантириш соҳасида жиддий муаммолар ҳам мавжудлигини аниқ кўрсатади. Бу йўналишдаги вазифаларни Президентимиз яқинда ЎзА мухбири саволларига жавобларида яна бир карра аниқ ва ҳаётий асосларда белгилаб бериб, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифатни қарши қўйишимиз лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Миллий мафкурани фаол ва тинимсиз равнақ топтириш керак. Шундагина онгда, тафаккурда бўшлиқ юз бериб, унинг ҳар хил заҳарли, ярамас ақида ва майллар билан банд бўлишининг олди олинади.

Мустақиллик йилларида **маънавий омилнинг тараққиёт негизига айланганлиги** ҳаётнинг улкан ҳақиқатларида яққол кўзга ташланади. Аввало, бу Президентимизнинг, давлатимизнинг олиб бораётган сиёсати юксак маънавиятга таянганлигида айниқса аниқ намоён бўлмоқда. Масалан, Йўлбошчимиз ташқи сиёсат майдонида юксак даражадаги ҳалоллик, тўғрилик, ўзаро эҳтиром, тенглик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик принципларини қатъий туриб ҳимоя қилмоқда, дунёда тинчлик, осойишталик ва тараққиёт ғояларини халқаро минбарлардан туриб дадил илгари сурмоқда. Ана шуларнинг ўзида алоҳида ва теран маънавий фазилатлар бор.

Президентимизнинг ички сиёсати ҳам элга чексиз ғамхўрлик, Ватанимиз тараққиётига фидойиликнинг ёрқин намунасидир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган янги ҳаётни шакллантириш билан боғлиқ ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги, бу жараёнда қатъий йўлга қўйилган кучли ижтимоий сиёсат, шунинг оқибатида тараққиётимизнинг ижтимоий ларзаларсиз, муқаррар олға илгарилаётгани — Ўзбекистондаги ички сиёсатнинг юксак маънавий мазмун-моҳиятидан далолат беради. Ижтимоий барқарорлик, халқнинг тинч, осойишта турмуш ва меҳнат шароитига эгалиги, худди шундай барқарор вазиятнинг мавжудлиги туфайли биз билан халқаро иқтисодий ҳамкорлик қилишга интилаётган хорижий тадбиркорларнинг сони тобора кўпайиб бораётганлиги ҳам ички сиёсатимизнинг маънавий асослари мустаҳкамлиги туфайлидир.

Мустақиллик йилларидан бирининг «Инсон манфаатлари йили», навбатдаги йилнинг «Оила йили», жорий йилнинг эса «Аёллар йили» деб аталиши, шунга мувофиқ равишда йирик давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, кенг миқёсда амалга ошириб келинаётганлиги юксак маънавий руҳли ички сиёсатнинг далиллари эмасми?!

Мамлакатимизда халқ маънавиятини ривожлантириш борасида кейинги пайтларда яна бир неча жиддий тадбирлар амалга оширилди. Масалан, шу пайтгача эски мафкуравий ақидалар таъсирида «Ғалаба куни» деб нишонланиб келинган 9 Май бундан кейин Хотира ва Қадрлаш куни сифатида байрам қилинади. Бу кунда фақат иккинчи жаҳон урушининг қурбонлари эмас, балки Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилган бошқа табаррук сиймоларнинг хотиралари ҳам эъзозланади. Бу борада халқимиз маънавияти эски мафкуранинг яна бир асоратидан қутилди.

Тошкент Ислом университетини ташкил этиш, миллий мустақиллик учун курашган маърифатпарварлар хотирасини тиклаш, меросини ўрганиш ва оммалаштириш ҳақидаги Президентимиз Фармонлари маънавий омилни янада ривожлантириш борасида янги имкониятларни туғдиради.

Тараққиёт — узлуксиз жараёндир. Йўлбошчимизнинг яқинда ўз ишини якунлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида қилган тарихий маърузаси ҳам шу нуқтаи назардан алоҳида диққатга сазовордир.

Масалан, жамият маънавиятини юксалтириш муаммосини олиб қарайлик. Маърузада бу муаммони ҳал қилиш устида гап кетар экан, Президентимиз «янада юксалтириш» деган иборани бежиз тилга олмаяптилар. Бунинг сабаби шуки, биз маънавий тараққиёт бобида мустақиллик йилларида чиндан ҳам катта ютуқларга эришдик. Бироқ, давлат ва жамият янги демократик босқичларга кўтарилмоқда, **ижтимоий, сиёсий, иқтисодий эркинликни кучайтириш** даврида маънавиятдаги эркинлик, мустақилликни ҳам янада фаоллаштириш устувор вазифага айланди. Йўлбошчимизнинг кейинги маърузаларида **«Эркин фуқаро маънавияти»**, деган янги бир ибора алоҳида таъкидлаб тилга олинмоқда. Пировардида, Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузада бу фалсафий мазмунли ибора давримизнинг долзарб ғояси, жамиятни эркинлаштириш жараёнининг энг муҳим муаммоларидан бири тарзида қўйилди. Маърузада бунинг моҳияти ҳам очиб берилган. Яъни эркин фуқаро маънавияти, бу — **ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашни англатади.**

Тараққиётнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш мақсадлари билан боғлиқ равишда олдимизда янги вазифалар турибди. Юртбошимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузасида айтганларидай, **халқнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини тарбиялаш** ана шундай долзарб масалалар сирасига киради. Инсон онгининг, маънавиятининг бундай жиҳатларини ривожлантирмасдан туриб янги давлат ва янги жамиятга эришиш ҳам қийин.

Шу билан бирга, инсон шахсияти ва умуман маънавиятининг шаклланишида бевосита ҳаётнинг ўзи берадиган «ижтимоий тарбия»нинг роли бебаҳодир. Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳуррият, мустақиллик вужудга келтирган янги тарихий шароит, эркинлик муҳити янги инсон, янги маънавиятнинг улуғ мактабидир.

Ҳаёт ўзгариб, ривожланиб борар экан, онг, тафаккур, маънавият ҳам ўзгариб бораверади. Онг, тафаккур, маънавият ўзгарар экан, улар ҳаётнинг ўзгаришига ҳам омил бўлиб қолаверади. Бу — мустақиллик даври дунёқарашининг муҳим қоидаларидан биридир.

Президентимизнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида шундай дейилади:

**«Биз бугун айрим давлатлардан моддий нуқтаи-назардан орқароқда бўлсак-да (бунга кўпгина тарихий объектив сабаблар бор), маънавият нуқтаи-назаридан қаралганда, улкан ғурур билан айтишимиз мумкин: буюк аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва қонимизга сингиб кетган буюк ҳаётбахш кучга эгамиз. Бу борадаги устунлигимиз бутун маърифий дунёда эътироф этилган. Ана шу қутлуғ меросга муносиб бўлиб яшаш, бу бекиёс бойликни янада бойитиб-ривожлантириш, миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятлар асосида келажагимиз биносини барпо этиш муқаддас бурчимиздир».**

**Михли САФАРОВ.**



## БАРАВЖ ҒЎЗАЛАР



**Сураткаш мухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқулов яқинда Бухоро сафаридан қайтди. Унинг таъкидлашича, давлатга ғалла сотиш режасини мамлакатда биринчи бўлиб адо этган бухороликлар пахта майдонларида ҳам астойдил меҳнат қилишаяпти. У ана шундай сурурли ва заҳматли лаҳзаларни фототасмаларга муҳрлади.**

**Сиз суратда кўриб турган деҳқонлар Шофиркон туманининг Амир Темур номли жамоа хўжалиги, Савриддин Бурҳонов бригадасида тасвирга олинган. Жамоа хўжалиги раиси Абдураҳим Жабборов Савриддин ака билан бу йилги режалар ҳақида суҳбатлашмоқда. 51 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган бригада аҳли ҳосилдорликни 50 центнерга етказишни мўлжалламоқда. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 3 центнер кўп демакдир. Ғўзалар ривожини кўрган сувчи Бойжон Шарипов (чапдаги сурат) ҳам бу йил ҳосил мўл бўлишига ишонади.**

*Президент Ислом Каримовнинг ЎзА мухбири саволларига жавоблари халқимиз томонидан ҳозирги маънавий ҳаётнинг энг муҳим воқеаларидан бири сифатида катта қизиқиш билан кутиб олинди. Суҳбатда ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёндан чиқарилган теран хулосалар, унда илгари сурилган ғоялар ва қарашлар кенг жамоатчилик ўртасида қизғин муҳокама қилинмоқда.*

## РЕКТОРЛАР КЕНГАШИ

Шу йилнинг 25 июнида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари ректорлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши ҳам Президентимизнинг юқорида тилга олинган суҳбатига бағишланди.

— Ёш авлодни камол топтириш, улар қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, Ватанга меҳр-садоқат туйғусини янада ривожлантириш, йигит-қизларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда олий ўқув юртларининг хизмати каттадир, — деди олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С. Ғуломов. — Худди шу жиҳатдан республика таълим тизими ходимлари, жумладан, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва барча тарбиячилар учун Президентимизнинг ҳушёрликка даъват этувчи фикрлари муҳим дастуриламал бўлиб қолади.

Ректорлар кенгашида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун педагог-кадрлар тайёрлаш дастури бўйича ҳам фикр алмашилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари ректорлар кенгашининг раиси, академик Т. Миркомиловнинг 1998-1999 ўқув йили мобайнида ректорлар кенгашининг фаолияти бўйича ҳисоботи тингланди ва муҳокама қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ҲАМКОРЛИКНИНГ УЗВИЙ ДАВОМИ

*28 июнь куни Тошкентда фуқаро мудофаасини режалаштириш ва фуқаро-ҳарбий ҳамкорлиги бўйича НАТОнинг минтақавий курслари очилди. Мазкур тадбир "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, НАТОнинг фавқулодда вазиятларда фуқаро хизматларидан фойдаланишни режалаштириш дирекцияси, Европадаги бирлашган кучлар бош штаби ва фуқаро-ҳарбий ҳамкорлик секцияси билан биргаликда ўтказилмоқда.*

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов НАТОнинг эллик йиллигига бағишлаб Вашингтонда ўтказилган саммитда Ўзбекистон Шимолий Атлантика альянси билан ўрнатилган ҳамкорликнинг бундан кейин ҳам ривожланиб боришидан манфаатдор эканини таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон билан НАТО ҳамда ушбу ташкилот ҳамкорлари ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида ўтказилаётган турли тадбирларда муваффақиятли иштирок этаётгани фикримиз исботидир. Ўтган йили Ўзбекистон ушбу дастур доирасида ўтказилган учта машғулотда, НАТОнинг бошқа кўплаб ҳарбий ҳамда ноҳарбий тадбир ва ўқувларида қатнашди.

Мамлакатимиз Марказий Осиёда муҳим жўғрофий ва геосиёсий ўринни эгаллайди. Ўзбекистоннинг минтақамиз давлатлари орасида тутган муҳим ўрни ва мақоми хорижда ҳам эътироф этилмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг минтақа хавфсизлиги, тинчлиги ва барқарорлиги масалаларига янада катта эътибор қаратишини тақозо этмоқда. Шу маънода мамлакатимизнинг Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши ишида ва "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастуридаги фаол иштироки, шубҳасиз, катта аҳамиятга моликдир. Бу борадаги ҳамкорлик, аввало, Ўзбекистоннинг ўз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, замонавий ҳарбий-техник ютуқлар билан яқиндан танишиш ва малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилгандир.

Мамлакатимизнинг табиий-жўғрофий жойлашуви ва иқлими унинг ҳудудида турли кўринишдаги табиий офатлар келиб чиқиши эҳтимолини туғдиради. Ер қимирлаши, кўчки кўчиши ҳодисалари, сел келиб туриши ана шулар жумласидандир. Бироқ истиқлолга қадар бундай табиий офатларнинг олдини олиш, атроф-муҳит муҳофазасини кафолатловчи зарурий меъёр ва қоидаларга риоя қилиш борасида маълум бир тизим ишлаб чиқилмагани, бу муҳим масалаларга бармоқ орасидан қаралгани сабабли бугунги кунда минтақа аҳолиси улкан экологик таҳдид билан юзма-юз келиб қолди. Оролнинг қуриши, ернинг шўрланиши, эррозия, саҳроларнинг кенгайиш жараёни — буларнинг барчаси жиддий муаммога айланди. Бундан ташқари, қўшни мамлакатлардаги кўчки ва сел хавфи мавжуд ҳудудларда радиоактив моддалар кўмилган жойларнинг ҳам борлиги хавотирни янада кучайтиради. Шу маънода давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўзининг "Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммоларини истиқболда миллий хавфсизлигимизга соя солиши мумкин бўлган асосий жиҳатлардан бири сифатида қайд этиб ўтгани бежиз эмас.

Халқаро ҳамжамият яшаш ҳуқуқининг дахлсизлиги ва инсон ҳаёти учун соғлом муҳит яратиш йўлида астойдил курашиб келади. Бугунги кунда ҳам одамларни юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш жаҳоншумул муаммолар сирасига киради. Чунки бу барча халқлар манфаатларини ифода этади. Табиий офатлар эҳтимоли Ўзбекистонга ва, умуман, бутун минтақага ҳар доим таҳдид солиб турганини ҳисобга олиб, мамлакатимиз ҳукумати фуқаролар тинчлигини сақлаш, уларни турли ижтимоий, табиий ва техникавий офатлардан муҳофаза қилиш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг НАТО билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларидан бири ҳам айнан мана шундай фавқулодда ҳолатлардан огоҳ этиш ва унинг оқибатларини тугатишдир. Тошкентда ўтказилаётган минтақавий курслар Ўзбекистон-НАТО амалий ҳамкорлигининг узвий давомидир, дейиш мумкин.

Минтақавий курсларда НАТОга аъзо ва ҳамкор бўлган 16 давлат вакиллари иштирок этмоқда. Улар, яъни фуқаро мудофаасини режалаштириш ва фавқулодда вазиятларда иш олиб бориш бўйича етакчи мутахассислар бир неча кун давомида маърузалар ўқийди, ўзбекистонлик ҳамкасблари билан тажриба алмашади.

Таъкидлаш керакки, юртимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини тугатиш бўйича муайян тажриба тўпланган. Шунинг учун минтақавий курслар давомида иштирокчиларга Ўзбекистоннинг ютуқлари ҳақидаги маърузалар ҳам тақдим этилади. НАТО аъзолари ва ҳамкорлари тўплаган тажрибалар билан ўртоқлашиш, уларнинг таклифлари билан танишиш, шубҳасиз, фавқулодда вазиятларда иш олиб боришда мутахассисларимизга жуда қўл келади.

Минтақавий курсларнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У.Исмоилов, фавқулодда вазиятлар вазири Б.Қосимов иштирок этди.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Муносабат*

# ХАЛҚИМИЗНИ ЖИПСЛАШТИРИШ ДАСТУРИЛАМАЛИ

***Куни кеча газеталаримизда республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари эълон қилинди. Кўп қатори мен ҳам уни катта ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Ўқиб чиқдиму ўй-хаёллар гирдоби чулғаб олди. Сабаби, Йўлбошчимиз жавобларида ҳозирги пайтда ҳаммамизни ўйлантираётган, ҳаяжонга солаётган кўпдан-кўп масалалар кўтарилган. Берилган ҳар бир саволга жуда асосли, куюнчаклик билан, илмий нуқтаи-назардан, баъзан эса аччиқ бўлсада, очиқ жавоблар берилган.***

Ҳали дунёқараши тўла шаклланиб улгурмаган, мустаҳкам иродаси бўлмаган ёшлар онгига бизга ёт бўлган зарарли қарашларни тиқиштиришга уринаётганлар хийла жонланиб қолганлигидан ҳаммамиз бохабармиз. Мафкура соҳасининг кишиси бўлганлигим учун шуни катта қониқиш билан алоҳида таъкидлашни хоҳлардим: Юртбошимизнинг жавобларида мафкурамизнинг кемтик жойлари бор бўй-басти билан очиб ташланган, айни дамда ҳозирги пайтда ва келгусида бу борада амалга ошириладиган ишларнинг бутун бир дастуруламали аниқ ва равшан белгилаб берилган.

Биз ажойиб, айни пайтда ўта мураккаб даврда яшаяпмиз. Шукроналар бўлсин, мустақилликка эришдик, юртимизни обод ва кўркам қилиш, ҳаётимизни гўзаллаштириш, иқтисодиётимизни жаҳон андозалари даражасига етказиш борасида, бир сўз билан айтганда, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида мана саккиз йилдирки, зўр кўтаринки руҳда, катта ғайрат билан меҳнат қилаяпмиз. Айтиш керакки, меҳнатларимиз зое кетмаяпти, улар ўзининг яхши самараларини бераяпти. Ўзбекистон деган юртнинг обрў-эътибори кун сайин ошаяпти, жаҳон ҳамжамиятида ўзбекнинг овози тобора баландроқ жаранглаётганлиги эндиликда ҳар биримизга аён. Давримизнинг мураккаблиги шундаки, биз бир тузумдан иккинчисига, бутунлай янги тузумга ўтаяпмиз. Шунга яраша иқтисодиётимизни мослаяпмиз, айни пайтда онгимизда ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Кишилар дунёқарашини ўзгартириш қисқа муддатларда юз берадиган ўнғай жараён эмас, чунки у инсон руҳияти билан боғлиқдир. Аксарият кўпчилигимиз ўтмишдаги сохта ғоялардан нисбатан ўнғайлик билан воз кечдик. Чунки ўша коммунистик мафкура қанчалик ялтироқ бўлмасин, таги пуч эди, сохта эди. Буни ўша даврдаёқ илғор зиёлиларимиз тушуниб етган эдилар.

Давлатимиз бошлиғи таъкидлаб ўтганларидек, ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз — жамият аъзоларини, авваламбор вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир. Бунинг учун миллий ғоя, миллий мафкурани кенг халқ оммаси онгига, айниқса, келажагимиз бўлмиш ёшлар онгига чуқур сингдириш зарур.

Йўлбошчимиз мафкура соҳасидаги ишларимизни такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим таклифларни лўнда ифодалаб ўртага ташлаганлар. Чунончи, мавжуд вазиятни холис ўрганадиган нодавлат, мустақил ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари қошида маърифий тарғибот кенгашлари тузиш, мактаб, лицей ва коллежларда маънавият масалалари билан шуғулланувчи мутасадди мутахассислар лавозимларини жорий этиш ҳамда ана шу ўқув масканларида болаларимизни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилот ва тўгараклар тузиш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Назаримда, ҳар бир ота-она ҳам ўз йўлига фарзандларини халқимизга ёт турли хил ақидапарастлар таъсиридан асровчи, улар қалбига маърифий эзгуликлар уруғини сепувчи ва парваришловчи бўлишлари даркор. Ўғил-қизлари кимлар билан бирга бўлаяпти, бўш вақтини қандай ўтказаяпти, уларнинг қизиқишлари, ҳаваслари, интилишлари нималардан иборат — бу ва бошқа масалалар ҳамиша ва ҳамма вақт ота-оналар эътиборида турмоғи шарт, деб ўйлайман. Яна бир мулоҳаза: раҳбарларимиз, улар хоҳ катта, хоҳ кичикроқ мансабларда бўлмасинлар — барибир, ўзлари ўрганиб қолган иш усулларидан, мисол учун, қайси соҳада ўзлаштириш неча фоиз бўлди, ёки хўжаликларда белгиланган режа қанчага бажарилди, деб сўрайвермасдан вақти-вақти билан ёшлар кайфияти қандай, улар ўзларини қизиқтираётган саволларга тўлалигича жавоб олаяптилармикин, бўш вақтларини кимлар билан ўтказаяптилар — бу ва тарбия билан боғлиқ бошқа масалалар билан ҳам кун сайин жиддий шуғулланиб бормоқлари даркор, деб ҳисоблайман.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизни бирлаштириш ва жипслаштириш борасида Йўлбошчимиз томонидан билдирилган фикрлар шу соҳа учун узоқ йилларга мўлжалланган амалий қўлланмадир. Уни ҳаётга жорий этиш юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг Ватан олдидаги, ўз халқи олдидаги бурчи, шон-шараф иши бўлмоғи керак. Шундай қилсак, миллий манфаатларимизга тажовуз қилиш ниятидаги ғайри кучларнинг хатти-ҳаракатлари мустаҳкам қоя тошига урилган тўлқинлардай чил-парчин бўлиб кетаверади, улар нияти икки дунёда ҳам амалга ошмаяжак. Биз эса янада ишонч билан ўзимиз танлаган йўлдан дадил олға бораверамиз.

**Искандар СУЛТОН,**
**меҳнат фахрийси.**

## ТАКРОРИЙ ЭКИН ЭКИШГА ЭЪТИБОР

Маълумки, республикамиз тупроқ-иқлим шароитида йилига деҳқончиликда бир майдондан икки ва ҳатто уч марта ҳосил етиштириш мумкин. Шу боис, ғалладан бўшаётган ерлар пешма-пеш шудгорланиб, такрорий экинлар экилаётгани бежиз эмас. Бу муҳим агротехника тадбирини қисқа фурсатда, сифатли ўтказиш учун нима қилмоқ керак? Бу борада қайси техника ва технологиядан фойдаланиш афзал?

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманидаги "Ўзбекистон" дала-тажриба хўжалигида ўтказилган республика кўргазмали семинар-кенгаши ана шу масалага бағишланди. "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўзқишхўжтаъминоттузатиш" давлат кооператив қўмитаси ҳамкорликда ташкил этган бу тадбирда вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари — қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари, "Агромашсервис" бирлашмаси раҳбарлари, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Семинарда "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси тизимидаги машинасозлик корхоналарида тайёрланаётган йигирмага яқин турли машина ва ускуналар, шунингдек, хорижий фирмалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган шу хил техника воситалари намойиш этилди. Эътиборли томони шундаки, мазкур барча техника ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин экиш учун мўлжалланган бўлиб, сомонни йиғиштириб олишдан тортиб ерни тайёрлаб, уруғ қадашгача бўлган ишларни бажариб беради.

Семинарда республика Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б.Олимжонов, вилоят ҳокими У.Мирзақулов қатнашди.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ФАҚАТ ҲАФСАЛА ВА ҲАРАКАТ ЗАРУР

***Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур қарор асосида тасдиқланган мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат Дастури концепцияси соҳага алоқадор мутасаддилар, мутахассислар, бутун халқимиз томонидан қизғин кутиб олинди. Ушбу қарорда республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, спорт федерациялари, клублари, жамиятлари, ҳомийлар, хорижий инвесторлар маблағлари, шунингдек, спорт ташкилотлари томонидан аҳолига пулли хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар юқорида тилга олинган давлат Дастурини молиявий таъминлашнинг асосий манбалари сифатида алоҳида кўрсатиб ўтилган.***

***Хўш, аҳоли кенг қатламининг саломатлигини яхшилаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда катта аҳамият касб этадиган кўнгилли спорт жамиятлари, клубларининг бугунги аҳволи қандай? Уларнинг моддий базаси талабга жавоб берадими? Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш мумкинми?***

— Халқимизда ҳаракатда баракат, деган ҳикматли ибора бор. Унинг мазмун-моҳияти, айниқса, ҳозирги ўтиш даврига жуда мос келади. Зеро, астойдил ҳаракат қилинса, мавжуд имкониятлар бирлаштирилса, спорт жамиятларини бир неча йил ичида тўлиқ молиявий барқарорлаштиришга эришиш мумкин, — дейди “Динамо” жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг ўринбосари Муҳаммаддин Жарилкаганов. — Бунинг учун улар, энг аввало, хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатишга ўтиши, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш чора-тадбирларини кўришлари керак. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун ушбу тизимнинг афзалликлари ҳақида мисол келтириб ўтсам. Агар жамиятимиз 1991 йилда молиявий инқирозга юз тутиб, ойлик маошлар ўз вақтида тўланмаган, мураббийлар ва бошқарув тизимимиздаги кўплаб штатлар қисқартирилган бўлса, 1998 йил якунларига кўра, умуман аксинча вазиятни кўриш мумкин. Ўтган йилги ялпи даромадимиз 500 млн. сўмни ташкил этгани фикримизга далил бўла олади. Жорий йилда эса ялпи даромадни 700 млн. сўмга етказишни ният қилиб турибмиз. Буларнинг барчаси хўжалик ҳисобидаги фаолият ва астойдил ҳаракат самараси.

**— Билишимча, жамиятингиз тасарруфида спорт моллари ва инвентарлари ишлаб чиқарадиган иккита фабрика мавжуд...**

— Тўғри. Афсуски, бир неча йилдан бери бу ерда ана шундай маҳсулот тайёрлашнинг имкони бўлмаётир. Чунки республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ёхуд бошқа мутасадди ташкилотлар буюртма беришмаяпти. Агар алоқадор муассасалар хорижий инвесторларни жалб қилишга кўмаклашса, бор куч ва имкониятлар бирлаштирилса, аминманки, жаҳон андозаларидаги сифатли ҳамда арзон маҳсулотлар ишлаб чиқара оламиз. Бу билан ҳам спорт моллари ва инвентарларига бўлган эҳтиёж қондириларди, ҳам жамиятимиз бюджети янада барқарорлашарди.

**— Балки мана шундай жараёнларни мувофиқлаштириб борадиган кенгаш зарурдир?**

— Албатта, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси қошида ана шундай кенгаш ташкил қилиш давр талабидир. Бу билан нафақат спорт жамиятлари, балки тизимда мавжуд барча муассаса ва ташкилотларнинг тарқоқ имкониятларини бирлаштириш орқали пировард мақсад — халқ саломатлигини яхшилаш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун етарли шароит яратиб бера оламиз. Яна бир таклифим — спорт мураббийлари имтиёзлари ўқитувчиларга тенглаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, бу уларнинг ўз шогирдлари билан янада фаол ишлашлари учун туртки бўларди. Шунингдек, соҳадаги муассаса ва ташкилотларнинг молиявий муносабатларини шакллантириб борадиган спорт банки ташкил этиш учун вақт етилди, деб ўйлайман.

**— Ўқув-спорт машғулотлари, спорт йиғинлари ва мусобақалари ўтказиш, жиҳозлар харид қилиш, спорт мажмуаларимизни таъмирлаш учун маблағ етишмайди, деган гапларни кўп эшитамиз...**

— Агар юқоридаги ва шунга ўхшаш бошқа имкониятлардан ҳамкорликда фойдаланилса маблағ топилади. Масалан, спорт жамиятларини молиявий барқарорлаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири — спорт лотереяларидир. Ушбу йўналишдаги беш йиллик тажрибамиз шуни кўрсатдики, аҳоли ўртасида лотереяларга нисбатан қизиқиш ортиб бормоқда ва бу имкониятдан фойдаланиш зарур. Қиёслаш учун мисол келтирай: агар 1994 йилда жамиятимиз томонидан чиқарилган лотерея билетларининг 376 минг сўмлиги сотилган бўлса, бу кўрсаткич 1998 йилда 283 млн. сўмни ташкил қилди. Жорий йилнинг 5 ойи давомида эса 135 млн. сўмлик лотерея билетлари сотилди. Ҳозирда уларнинг сонини янада ошириш ва ўз навбатида олинадиган фойда миқдорини ҳам кўпайтириш мумкин. Ана шу истиқболли йўналишда ҳамкорлик қилиш учун республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, футбол федерациясига таклифлар киритилди. Аммо... Вақт ўтаяпти, шу билан бирга мазкур жараёндан олинадиган реал даромад ҳам қўлдан бой берилаяпти. Айнан биз бажаришимиз зарур бўлган бундай вазифаларни ушбу соҳага умуман ёт ташкилотлар амалга ошираётгани кишини ажаблантиради. Бунинг учун эса фақат ҳафсала, ҳаракат зарур, келажак авлод олдидаги масъулиятни ҳис қилмоқ лозим.

**“Халқ сўзи” мухбири**
**Озод РАЖАБОВ**
**суҳбатлашди.**







*Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Президентимиз Фармонига асосан Хива шаҳрида Хоразм Маъмун академияси қайтадан ташкил этилди. Академия таркибида «Археология, тарих ва фалсафа», «Тил ва адабиёт», «Биология муаммолари» бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Айни вақтда бу ерда 30 дан зиёд илмий ходим, 5 нафар фан доктори ва 8 нафар фан номзоди тадқиқотлар олиб бормоқда. Шунингдек, мустақиллигимизни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, миллий мафкура, маънавият ва миллий қадриятларимизни халқ орасида тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: академия илмий ходимларидан Одилхўжа Парпиев, Араб Муҳаммедов, Бахтиёр Рўзиметов, Каримжон Сафаров ва Шоназар Бекжонов; академия биносининг умумий кўриниши.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

МАЪНАВИЯТ

# ХАЗИНА АСРАЛСА — ХАЗИНА...

Кейинги пайтларда андижонликлар уй-музейлар ташкил этишга катта эътибор қаратмоқдалар. Чунончи, Боғи Бобурда Мирзо Бобур, Чўлпон боғида бетакрор адиб, драматург, шоирга атаб уй-музейлар очилди. Республикада ягона бўлган очиқ осмон остидаги этнографик музей ишлаб турибди.

Музейлар ва уларнинг шохобчалари моддий-техник ҳолатини янада мустаҳкамлаш, вилоят ўлкашунослик музейини таъмирлаш учун 1.200.000 сўм, экспонатлар сотиб олиш учун 100.000 сўм, илмий ишлар учун 518.000 сўм ажратилди. Бу яхши, албатта.

— Бироқ, айрим ташкилотларнинг тазйиқи билан кейинги уч йилда етти жойга кўчиб ўтдик, — дейди вилоят адабиёт ва санъат музейи раҳбари Тўлқин Қўлдошев. — Бемаврид кўч-кўчлар оқибатида халқ амалий санъати, хусусан бадиий ҳунармандчиликка оид бебаҳо ёдгорлик экспонатларининг саксон фоизи илгариги оҳорини йўқотди. Айниқса каштачилик, тўқимачилик, гиламдўзликка оид қадимий намуналар, кулолчилик санъатига мансуб ноёб экспонатлар дарз кетди, синди, нодир қўлёзма ва тошбосма китобларнинг айримлари йиртилди, қуёш нурида фусункорлигини, жозибасини, рангини йўқотди. XVI-XIX асрлардан бери турган осориатиқалардан айрилганимиз оғир йўқотиш бўлди. Булар камлик қилгандай яна «кўч-кўч» арафасидамиз.

**Изоҳ:** Андижон шаҳар ҳокимлиги кўтарилган масала моҳиятини чуқур ўрганиб чиқди. Музей ўз ўрнида қолдириладиган бўлди.

Маълумки, республика Вазирлар Маҳкамаси ўтган йилнинг 24 июлида «Маънавий ва маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Ана шу муҳим ҳужжатда маънавий-маърифий ислоҳотларни теран англамаслик, расмиятчилик, тадбирбозлик, компаниябозлик, ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга жалб этишда қатъиятсизлик ҳолатлари мавжудлиги кўрсатиб ўтилган. Шундан сўнг вилоятда бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида маънавият гуруҳи тузилди. Андижон тумани маданият масканлари фаолиятини ўрганиш натижасида мавжуд 27 кутубхона, 11 та маданият уйи ва аксарият клублар иши қониқарсиз деб топилди. Чунончи, Патиддинов, Тошматов номли жамоа хўжаликларига қарашли катта-катта клублар бўм-бўш, қаровсиз аҳволда эканлиги, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги идораси қошида жойлашган 27-тармоқ кутубхона талабга мутлақо жавоб бермаслиги маълум бўлди. Бу каби манзарани бошқа туманларда ҳам учратиш мумкин. Қишлоқ кутубхоналаригина эмас, шаҳардаги ҳайҳотдай билим даргоҳлари ҳам, уч-тўрт йигит-қизни ҳисобга олмаганда, кўпинча ҳувиллаб ётибди.

Одамлар ўқимишли асарни баҳоси қанчалигига қарамай сотиб олиб, мутолаа қилади. Бу хилдаги адабиётлар кутубхонада ҳам туриб қолмайди, қўлма-қўл бўлиб кетади. Гап шундаки, биз ҳамон рақамлар юки остидан чиқиб кетолмаяпмиз. Қаранг, вилоят маданият ишлари бошқармаси тасарруфидаги 508 кутубхонада 7.587.300 нусхадан иборат катта-кичик адабиёт мавжуд. Шундан ўзбек тилидаги китоблар 3.911.800 тани ташкил этади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, умумий китобхонларнинг 36 фоизи 14 ёшдан 21 ёшгача бўлган ўсмирлар экан. Демак, кутубхонага асосан мактаб ёшидаги ўғил-қизлар ташриф буюради.

Шу ўринда икки оғиз сўз кутубхоналардаги вақтли нашрлар тахлами хусусида. Бизнингча, жойлардаги кутубхоналарнинг барчаси марказий, маҳаллий газета ва журналларга обуна бўлиши шарт.

Бу ишга панжа орасидан қаралмоқда. Ярим мингдан ортиқ зиё маскани «Халқ сўзи»га бор-йўғи 90 та, «Ўзбекистон овози»га 45 дона, «Туркистон» газетасига 35 та, «Шарқ юлдузи»20 та, «Тафаккур» журналига 50 та обуна бўлганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Рақамлар ўжар бўлади. Уларни инкор этиш мушкул. Шундай экан, кутубхоналарни йиллар давомида ўзиники қилиб олган «ҳокими мутлоқ» адабиётларнинг баҳридан ўтмоғимиз, шиддат билан ривожланаётган фан-техника, электроника, телекоммуникация, бозор иқтисодиёти, кичик ва ўрта бизнес олами ва ҳоказолар ҳақида етарли билим, тушунча бера оладиган, кўникма ҳосил қилишга хизмат қиладиган асарлар, газета ва журналлар билан бойитишимиз талаб этилади.

Кун бўйи унумли меҳнат қилган одам мириқиб ҳордиқ чиқаргиси келади. Чарчоқни ёзиш, кайфиятни кўтариш, руҳий озуқа олишда эса китоб, газета ва журнал энг яқин йўлдош, сирдошдир.

Яқинда Андижондаги ёғмой ҳиссадорлик жамияти шаҳар маданият бўлимига 1.500.000 сўм, Булоқбоши пахта тозалаш корхонаси маданият муассасалари учун 250.000, Шаҳрихон дон маҳсулотлари корхонаси 300.000, қўрғонтепалик пахта тозаловчилар эса 200.000 сўм маблағ ажратди. Бу омил серқирра маънавиятимиз тармоқларини жонлантириш, юксалтириш, ёшларимиз руҳий дунёсини бойитиш, фикрлаш доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилади, деб умид билдирамиз.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


VENOASIA

“ВЕНО-ОСИЁ” таклиф этади

БОЛГАРИЯ КУРОРТЛАРИ:

Қуёшли соҳил, Приморск, Несебр, Дюни



Тошкент-Бургас чартер рейслари

МАХСУС НАРХЛАР!

12 ёшгача бўлган болаларга чегирмалар

Болгария орқали Қоҳира ва Истанбулга қўшимча саёҳатлар

Манзил: Тошкент ш., Абай к., 6.

Тел.: (371) 144-48-83, 144-48-16.

1800



ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ТАНЛОВИ (ТЕНДЕР)ГА МАРҲАМАТ

Пудрат савдосини ташкил этиш (тендер) бўйича Самарқанд вилояти филиали бинокорлик материаллари ва асбоб-ускуналар учун

тендер эълон қилади

Тендерда Самарқанд вилояти ҳудудида қурилаётган барча иншоотлар, шунингдек, янги қурилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилишлари учун қуйидаги бинокорлик материаллари ва жиҳозларига рақобатли танлов ўтказилади:

- кабель маҳсулотлари, очиқ ва ёпиқ симлар, ёритгичлар, вентилятор ва электр тақсимлаш шкафлари, ёнғинга қарши приборлар тўплами;
- мактаб жиҳозлари, спорт заллари инвентарлари, стол ва стуллар, фан кабинетлари жиҳозлари ва тажриба идишлари;
- ошхона асбоб-ускуналари;
- ҳар хил диаметрли қувурлар;
- арматура, угольник, швеллерлар, электродлар;
- ёғоч-тахта, эшик ва дераза блоклари;
- темир-бетон плиталари ва блоклари;
- цемент, алебастр, гипс ва оҳак маҳсулотлари;
- ҳар хил рангдаги бўёқлар.

Мулк шаклидан қатъий назар, барча ташкилотлар, фирмалар ўз маҳсулотлари билан тендер танловига таклиф қилинади. Тендер бўйича қўшимча маълумотларни Самарқанд вилоят филиалидан олишингиз мумкин.

**Мурожаат учун манзилгоҳ: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони-3. (Вилоят архитектура-шаҳарсозлик бошқармаси биноси). Тел. 31-13-51, 35-42-44.**

Ф/1883


## «ОҲАНГАРОНШИФЕР» ОТҲЖ нинг 1999 йил 1 январь ҳолатига кўра БАЛАНСИ

| Активлар | 1.01.98й. ҳолатига кўра | 1.01.99й. ҳолатига кўра | Пассив | 1.01.98й. ҳолатига кўра | 1.01.99й. ҳолатига кўра |
|---|---|---|---|---|---|
| Узоқ муддатли активлар | 83501 | 104275 | Ўзлик маблағларининг манбалари | 188181 | 274541 |
| Оборот (айланма) активлар | 315400 | 618921 | Мажбуриятлар | 210720 | 448655 |
| Баланс | 398901 | 723196 | Баланс | 398901 | 723196 |

**Соф активлар 1.01.99 йил ҳолатига кўра — 265334 минг сўм.**
**Устав капитали ва резерв фонди**
**1.01.99 йил ҳолатига кўра — 28321 минг сўм.**

## 1998 йил молиявий натижалари тўғрисида ҲИСОБОТ

| Т-Р | Кўрсаткичларнинг номи | Ҳисобот даври учун | Ўтган йилнинг мос даври учун |
|---|---|---|---|
| 1. | Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа | 607038 | 387925 |
| 2. | Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижалари (фойда ёки зарар) | 337342 | 246350 |
| 3. | Умумий хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари | 354158 | 245460 |
| 4. | Солиқ тўлагунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар) | 354158 | 245460 |
| 5. | Ҳисобот даври учун соф фойда (ёки зарар) | 173222 | 123337 |

**Ушбу баланснинг ҳақиқийлиги «ИН-КОР» аудит фирмаси томонидан тасдиқланган (Ўз. Рес. Молия вазирлигининг 18.10.94 йилдаги 32-сонли лицензияси).**

Ф/1844

Ўзбекистон телевидениеси жамоаси меҳнат фахрийси, журналист **Жавлон УМАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси вазир ўринбосари Қаҳрамон Раҳимович Алаевга акаси **Эгам РАҲИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси республика радио уйининг етакчи ходими **Асад ҚУДРАТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;
*Қишлоқ хўжалиги* — 136-37-85
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60, 132-10-65;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0456, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — Ф. САНАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 23.40*
1 2 3 4 5 6